

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

# JOFS

## 8-СОН

АВГУСТ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

# JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-8

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-8

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 8 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-8>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент  
Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор  
Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент  
Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор  
Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор  
Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор  
Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор  
Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент  
Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент  
Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор  
Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори  
Ҳайдаров Ўрал  
Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент  
Мусаев Джамалиддин  
Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент  
Жамолдинов Хумоюн  
Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**МАМАТОВ Шарофиддин Мусурмонулович**

*Гулистон давлат университети*

*«Тарих» кафедраси ўқитувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8231917>

## ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА “ҚИШЛОҚ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИДАН

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўрта Осиё халқларида “қишлоқ” тушунчаси ва унинг шаклланиш жараёнлари, шунингдек, аҳоли масканлари билан боғлиқ равишда туркий халқларда кенг тарқалган атамалар ва уларнинг тарихий манбаларда изоҳли таҳлили, бундан ташқари жой номлари тарихи мақолада таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** “қишлоқ”, “овул”, “уба” ва “деҳ” тушинчалари, Илк қишлоқлар, Махмуд Кошғарий, Ҳардури қишлоғи, Тарихчи Истахрий, Навқад қишлоғи, Қалқонота қишлоғи, тарихчи Муҳаммад Наршахий.

## ИЗ ПОНЯТИЯ «ДЕРЕВНЯ» У НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ И ИСТОРИИ ЕГО ФОРМИРОВАНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье понятие «село» у среднеазиатских народов и процессы его формирования, а также термины, распространенные у тюркских народов в связи с поселениями и их объяснительный анализ в исторических источниках, а также история топонимии, проанализированы в статье.

**Ключевые слова:** определения «деревня», «овул», «уба» и «деҳ», первые деревни, Махмуд Кошгари, деревня Хардури, историк Истахри, деревня Навқад, деревня Калқанота, историк Муҳаммад Наршахи.

## FROM THE CONCEPT OF "VILLAGE" IN THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA AND THE HISTORY OF ITS FORMATION

### ANNOTATION

In this article, the concept of "village" in Central Asian peoples and the processes of its formation, as well as the terms common in Turkic peoples in connection with settlements and their explanatory analysis in historical sources, as well as the history of place names, are analyzed in the article.

**Key words:** definitions of "village", "ovul", "uba" and "deh", the first villages, Mahmud Koshgari, Harduri village, Historian Istakhri, Navqad village, Qalqanota village, historian Muhammad Narshahi.

Қадимги давр ва ўрта асрларда бўлганидек, бугунги кунда ҳам Ўрта Осиёда аҳоли масканларининг кўпчилигини қишлоқлар ташкил этади. Минтақадаги “қишлоқ тизими” дунёнинг бошқа ҳудудларидаги қишлоқлар билан умумийликка эга бўлса-да, айрим жиҳатлари билан ўзига хосликлари ҳам борлиги кўзга ташланади. Ўрта Осиёда қишлоқ маъносида бир қатор атамалар учраб, уларнинг сезиларли бир қисми туркий, маълум бир қисми эса форсий тиллардаги сўзлардан иборат. Минтақамиздаги “қишлоқ”, “овул”, “ўба” сўзлари туркий бўлса, “деҳ” сўз форсий сўз сифатида бирмунча кенг тарқалган.

Бирор маъмурий бирлик ўлароқ “қишлоқ”нинг иқтисодий фаолияти кўпинча экин-тикинчиликка, чорвачилик ва ҳунармандчиликка асосланиб, ҳар бир аъзоси иш тақсимотида эга, жамоавий алоқалар ҳамда оилавий ва қон-қариндошлик муносабатлари кучли бўлган аҳоли маскани сифатида ўзини намоён қилади. Қишлоқ ўз ҳудуди, ўзига хос номига эга бўлиб, жамият ҳаёти нисбатан секин ўзгарадиган аҳоли маскани ўлароқ шаҳардан анча фарқ қилади. Қишлоқлар кўпинча бирор бир сув манбаси – дарё, сой, ирмоқ, ариқ ёки булоқ атрофида жойлашиб, унинг хўжалик ҳаётида суғорма деҳқончиликка, боғдорчиликка ва чорвачиликка мос ҳудуд мавжуд бўлади.

Илк қишлоқлар неолит даврида милoddан олдинги VII мингйилликда Фаластин ҳудудида вужудга келгани архологик тадқиқотлар орқали аниқланган. IX – XII асрларда Ўрта Осиёга ташриф буюрган араб ва форс тилли сайёҳ ва географлар бир неча қишлоқни ўз ичига олган аҳоли масканини “русток” шаклида келтириб ўтганлар [1].

Салжуқийлар ва Усманийларда шаҳар кўринишига эга ёки шаҳар характеридаги, қишлоқдан йирикроқ бўлган аҳоли масканлари “қасаба” деб аталган [2].

Туркий халқларда “қишлоқ” маъносида турлича атамалар ишлатилиб, уларни куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Туб туркий сўзлардан ташкил топган атамалар: қишлоқ, овул, ўба / ўва;
2. Бошқа тиллардан ўзлашган атамалар: кўй, деҳ, қария.
3. Ўтмишда қўлланилиб бугунги кунда ишлатилмайдиган ёки маъноси бирмунча ўзгарган атамалар: улус, кент.

Ўрта Осиёда кўпроқ ўзбек аҳоли яшайдиган ҳудудларда “қишлоқ” сўзи кенг тарқалган. Қозоқлар зич бўлиб яшайдиган ҳудудларда “аул” (овул), қирғизлар кўпчиликини ташкил этадиган жойларда “айил” (овул), туркманлар яшайдиган ҳудудларда “ўба”, тожиклар нисбатан кўпчиликини ташкил этадиган ҳудудларда эса “деҳ” (қишлоқ) сўзи кенг ёйилган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ушбу аҳоли маскани нисбатан куйидагича изоҳ берилган: “**Қишлоқ** – аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи жой, маскан, ҳудуд” [3].

Бир қарашда бу сўзнинг негизида 2 та сўз ётиши англашилади: йил фаслларида бири – “қиш” ва сўз ясовчи кўшимча -лоқ”. Бироқ кўпчилик бу сўзнинг нега айнан қиш фасли билан боғлиқ равишда юзага келганини тушунтириб бера олмаса керак. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, кўплаб туркий тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам “қишлов” деган алоҳида сўз мавжуд бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида унга “**Қишлов** – чова молларининг қишлаб қолган еридаги боқуви, боқув жараёни”; кишилар ёки чорва моллари қишлайдиган, қишда яшайдиган жой” деган тушунча бериб ўтилган [4].

Бундан кўринадики, “қишлоқ” ва “қишлов” сўзларида қандайдир умумийлик – шаклан ўхшашлик кўзга ташланса-да, ҳар иккала сўз орасида маъно жиҳатидан бирмунча фарқлилик бор.

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит-турк” (Туркий сўзлар девони) асарида “қишлоқ” сўзига куйидагича тушунтириш бериб ўтган:

“**қишлағ** – қишланадиган жой. Ўз кўз эр қишлағ – ўз ишини ўзи қилиб, бошқага топширмовчи олам. Тоғдаги кунгай томонга жойлашган одам кабидирким, у ерда ўт кўп, қор оз бўлади (У ерда экин яхши битади) [5].

**“Ман-қўшлаг** – ўғузлар мамлакатадаги бир ер номи” [6].

Ушбу маълумотлардан кўринадик, “қишлоқ” сўзи бундан деярли минг йил олдин ҳам фаол бўлган ва асрлар ўтган сари унинг қўлланиш доираси кенгайиб борган. Бухоро амирлиги даври аҳоли масканлари ҳақида бирламчи маълумотлар берувчи Қушбеги архиви ҳужжатларида юзлаб қишлоқ номлари учраб, уларнинг кўпчилигига туркий (ўзбек)ча -қишлоқ сўзи қўшилиб ёзилгани, катта бир қисмига тожикча “дех”, “де” (олд кўшимчаси) қўшилиб ёзилганига кўзимиз тушади [7].

Бу эса сўнги ўрта асрларда “қишлоқ” сўзининг аҳол орасида анча кенг тарқалганидан дарак беради.

Аҳоли масканлари билан боғлиқ равишда туркий халқларда кенг тарқалган атамалардан яна бири “авул” (овул) ҳисобланиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўзга қуйидагича таъриф берилган: **“Овул** – кўчманчи чорвадорлар ўраншган жой; қишлоқ” [8].

Туркий тилларнинг кўпчилигида бу сўз том маънодаги “қишлоқ”қа нисбатан қўлланилса-да, кўпинча унга **“Овул** – кичик қишлоқ, асосан чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи халқ, қабила ёхуд катта бир оила жойлашган алоҳида жой” деб изоҳ берилади. Бу сўз Онадўли туркчаси шеваларида – авул, қрим-татар ва қараим тилларида, кўмик тили диалектларида – авул, қорачой-болқор, уйғур, лобнор, қозоқ – авил, нўғой, татар, бошқирд, қорақалпоқ тилларида – авул, ўзбек тилида - овул, қирғиз – айил, олтой тилларида – айил кўринишида кенг қўлланилади. Ушбу сўз:

1) одамлар истикомат қилувчи кичик жой, бир нечта ҳатто биргина кибиткадан ташкил топган ва бошқа йирик қишлоқ, шаҳарча ва шаҳарлардан анчайин узоқда жойлашган турар жой;

2) ўтовлар, чодир ва шу каби тез қуриш иншоотлари қурилган кўчманчи халқ эгаллаган ер;

3) қабила ва кўчманчи халқ, оломон маъноларида ишлатилган. Туркий тил эгалари кўчиш жараёнида а:ўмак ва а:вўр яъни йиғилиш, тўпланиш, айланиб йиғилиш, теварак атрофга айлана бўлиб жойлашиш, атрофдан қуйилиб бир жойга келиш маъноларига эга феълларидан келиб чиққанлиги тахмин қилинган.

Бундан ташқари турк (айил, эвил) ва монгол (айил, айил) тилларида эса оила, уй, тураргоҳ, кўча, ўз уйи тараф, қўшни тараф, қишлоқ ва қўйлар боқиладиган уйча ҳам назарда тутилган.

Гарчи бу сўз Маҳмуд Кошғарий томонидан тилга олинмаган бўлса-да, унинг илдизи бориб тақаладиган айрим сўзлар аллома томонидан қуйидагича изоҳланганига дуч келамиз: **Ува** – тоғ бағирларидаги чети қиялаб кўтарилган ерлар, пасттекислик” [9].

Туб туркий атамалар орасида “қишлоқ” ва “овул” сўзлари нисбатан кенг тарқалган бўлиб, улардан биринчиси кўпинча ўтроқлашган аҳоли орасида, иккинчиси эса қишлоқдан бирмунча кичикроқ ва асосан кўчманчи чорвадор аҳоли орасида кенг қўлланилади. Қизиғи шундаки, ўтмишда кўпроқ туркийларнинг ўтроқ деҳқон қисмларида “қишлақ” (қишлоқ), чорвадор кўчманчи қисмларида эса “авул” (овул) атамалари кенг ёйилган. Бошқа бир қатор туркий халқларга қараганда кўпроқ ўтроқ, қисман эса кўчманчи негиздаги муҳитда шаклланган ўзбек халқида ушбу атамаларнинг биринчиси – “қишлоқ” жуда кенг тарқалган бўлса-да, ҳам ўзбек адабий тилида, ҳам ўзбек шеваларидаги “овул” ва у билан боғлиқ сўзлар ҳам бирмунча кенг сақланиб қолган [10].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бу сўз кўпинча Ўзбекистоннинг дашт ва чўл қисмларида “қишлоқ” маъносида ҳам келиб, нисбатан кичикроқ аҳоли масканига нисбатан ишлатилади. Қизиғи шундаки, республикамизнинг айрим ҳудудларида “овул” сўзи қишлоқнинг таркибий бир қисми – “махалла” маъносида ҳам келади. Масалан, Қашқадарё вилояти Кўкдала туманидаги Ҳардури қишлоғи бир неча овулларга бўлиниб, “Паст-овул” (қишлоқнинг қуйи қисми), “Дўнг-овул” (қишлоқнинг юқори қисми), “Ачама-овул” (Ачамайли уруғи яшайдиган овул) каби “овул” (махалла)лар бор.

Ўзбек тилида “кўча-кўй”, яъни ... маъносида ишлатилиб, нисбатан кам ишлатиладиган атама Онадўли туркчасида кенг ёйилган. Кичик Осиёда бу сўз ўзбеклардаги “қишлоқ” маъносидадир. Онадўли туркларига “махалла, кўча” маъносидаги форсча “қуй” сўзидан ўзлашган ушбу атама аҳоли масканларининг энг кичиги учун қўлланилади. Ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида бу сўз ўрнида “кент” (канд) атамаси ишлатилиб, унинг негизи “шаҳар” маъносидаги суғдийча **kanth, kath**, ҳиндча **kanthā**; Soğdca kand “şehir”) сўзларига бориб тақалади. Айнан шу маънода ривожланган ўрта асрларда Марказий Осиё туркий халқлари томонидан ўзлаштирилган бу сўз ўзбекча ва Онадўли туркчасида кўпроқ “шаҳар” маъносида, озарбайжончада эса “қишлоқ” маъноларида қўлланилади.

Шу билан бирга, “кент” ёки “канд” сўзи XX аср бошларидан бери ўзбек тилида пассивлашган бўлиб, кўп ҳолларда у бирор аҳоли маскани номига қўшилиб келади ҳамда тарихий ёки эскирган сўз деб қаралади. Бугунги кунда минтақадаги энг йирик шаҳар номи “Тошкент” сўзининг “тош” ва “кент” (шаҳар) деган сўзлардан ташкил топганидан аҳолининг деярли барча қатлами хабардор. Шунингдек, “кент” қўшимчали жой номлари республикамизнинг деярли барча вилоятларида учраб, Тошкент вилоятида Паркент, Ғазалкент, Алимкент, Пскент каби шаҳар ёки йирик аҳоли масканлари учрайди. Бухоро вилоятида Вобкент, Қашқадарёда Бешкент каби шаҳар ёки шаҳарчалари учраганидек, Заркент (Тошкент, Наманган), Ширкент (Қашқадарё), Чингизкент, Тоткент, Ўзбек-кенти (Самарқанд) каби қишлоқ номларига дуч келинади [11].

Суғдий тилдан ўзлаштирилган “кент” ёки “канд” сўзи ўрнида қадимги туркчада “балиқ”, “тўй” каби атамалар ишлатилган. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати-т-турк”да Еттисувдаги туркийларнинг Балосоғун ва Арғу лаҳжаларида “шаҳар” маъносида қўлланилган “улуш” (улус) сўзини чигил турклари “қишлоқ” учун ишлатганликларини ёзади [12]. Кейинчалик бу сўзнинг маъноси ўзгариб, “эл, миллат, халқ” маъноларига ўтган. Масалан, Онадўли туркчасида “улус” сўзи кўпроқ “халқ, миллат” маъносида ишлатилса, қозоқ ва қирғизларда бу сўздан ясалган “улт” сўзи “миллат” маъносини олган. Ўзбек тилида нисбатан кам қўлланилиб, тарихий ва эскирган сўз деб қаралиши билан бирга “эл-улус” шаклидаги қўшалок сўз орқали унга “халқ, миллат” маъносида [13] бадий маъно юкланган ҳолатда ишлатилаётгани кўзга ташланади.

Ўрта Осиёдаги йирик қишлоқлар тўғрисида ёзма маълумотлар қадимги давр ва илк ўрта асрларга тегишли юнон, хитой ва яна бир қатор тиллардаги манбаларда ўрин олган. Минтақа қишлоқларига тегишли энг кўп маълумотлар ривожланган ўрта асрларга тўғри келади. Бу даврда Амударё – Сирдарё оралиғидаги Суғд, Уструшона, Чоч, Фарғона, Ўтрор, Хоразм каби воҳаларда юзлаб қишлоқлар бўлгани тўғрисида маълумотлар араб ва форс географлари асарларида учрайди [14].

Биргина Уструшона ўлкасидаги қишлоқлар мисолида қараб ўтадиган бўлсак, Истахрий (X аср) маълумотида кўра, Уструшона ҳудудида «кемалар сузиши мумкин бўлган ката-катта дарёлар бўлмаган. Уструшона чегаралари: ғарбдан - Самарқанд чегаралари; шимолдан - Шош ва Фарғонанинг ғарбий қисми; жанубдан - Кешнинг шарқий қисми, Чағониён, Шуман, Вашжирд ва Рашт; шарқдан - Фарғонанинг ғарбий қисми» билан чегараланган. Ибн Ҳавқал (X аср) Уструшонада Арсианикет, Куркет, Газак, Вагкет, Сабат, Зомин, Дизак, Нужикат, Харакана ва Бунжикат шаҳарлари бўлиб, мазкур шаҳарларнинг ўзаро алоқалари мустаҳкам бўлган. Ибн Хўрдобех, ибн Ҳавқал ҳамда ал-Муқаддасий Уструшона давлатида 12 та шаҳар, 400 дан ортиқ сарой, 18 та вилоят бўлганини ёзиб қолдиришган. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Уструшона аҳолиси асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланган.

Араб манбаларида кўп тилга олинган қишлоқлардан бири Навқад бўлиб, шу номда Мовароуннаҳрда икки катта қишлоқ бўлиб, биринчиси Боркас қишлоғидан 3 фарсах масофада жойлашган Уструшона қишлоқларидан бири, иккинчиси Насафдан 6 фарсах масофада жойлашган катта қишлоқ.

Манбаларда Насафдаги бу қишлоқни Навқад қурайш деб ҳам атайдилар. Бу қишлоқдан ҳам жуда кўплаб олиму уламолар етишиб чиқиб, ан-Навқадий нисбаси билан илмий изланишлар олиб борганлар. Шийракас - Уструшонанинг қишлоқларидан бири. Шунингдек, Уструшонада Арсбаникат, Куркат, Ғазак, Фағкат каби кўплаб қишлоқлар мавжуд бўлган [15].

Шунга ўхшаш мисолларни тарихий Кармана вилояти бўйича келтириб ўтсак. Навоий вилояти Навбахор туманида жойлашган Қалқонота юртимизнинг қарийб икки ярим минг йиллик тарихга эга қишлоқларидан бири. Археологик топилмалар милоддан аввалги VII-V асрлардаёқ у йирик савдо марказларидан бири бўлгани, қосиб ва хунармандчилик ниҳоятда равнақ топганлигидан далолат беради. Айниқса, Қизимон тепалигида олиб борилган тадқиқотлардан Қалқонота қадимда мустаҳкам қўрғон ва шаҳристон бўлганлиги ойдинлашади. Қўрғон ва тоғ оралиғидан топилган сопол қувурлар тармоғи еса у қадимдаёқ замонасининг фаровон гўшаларидан бири эканлигидан тарихий ашёдир.

Қалқонота қишлоғи номланиши билан боғлиқ икки қараш мавжуд бўлиб, бири бу ернинг халқ орасида бирмунча кенг тарқалган қадимда турли истило ва босқинларга қишлоқ қалқон вазифасини ўтаганлиги хусусида бўлса, иккинчиси мазкур гўшада X асрда яшаб ўтган шайх Ҳараконий шахси билан боғлиқ. Шайх ҳазратлари ушбу қишлоққа дафн этилган ва натижада Ҳаракан сўзи кейинчалик Қалқонга айланган. Шайх Абул Ҳасан Ҳараконий зиёратгоҳи бугунги кунда обод ва ораста қадамжога айлантирилган. Бир қатор тадқиқот ва ўрганишлар натижасига кўра эса “Ҳарқон” ибораси шайхга қадар ҳам истеъмолда бўлганлиги аниқланди. Хусусан, тарихчи Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Бухоро воҳасини суғорувчи анҳорлар, обод қишлоқлар, работлар ва кўшқлар ҳақида маълумотлар бераркан, воҳа VIII – XII асрларда Кармана, Шопурком, Ҳарқонат ул-Улё, Ҳарқон-руд, Ов-хитфар, Сомжон, Байкон-руд, Фаровизи-Улё, Коми Даймун, Арвон каби суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланганини қайд этади. Муаррих тилга олган Ҳарқонруд номидаги “Ҳарқон” ва “руд” сўзлари қадим суғдий ва форсчадан “катта” ва “арик” маъноларини беришини, қишлоқ номи эса Зарафшон дарёсидан келтирилган сув иншооти билан боғлиқ, деган фаразлар илгари сурилишига асос бўлмоқда [16].

Хуллас, Ўрта Осиёда илк жамоавий аҳоли масканлари – қишлоқлар пайдо бўлиши анча қадимги даврларга бориб тақалиб, уларнинг кўпчилиги йирик сув манбалари – дарё, ирмоқ, арик ва булоқлар атрофида жойлашган эди. Милоддан олдинги сўнгги мингйиликнинг VII – VI асрларида илк шаҳарлар сифатида ўзини намоеён қилган қадимги Хоразм, Бақтрия, Суғддаги шаҳарлар – Кат, Термиз, Самарқанд, Нахшаб, Кеш ва ҳоказолар айнан йирик қишлоқларнинг янада кенгайиши натижасида муайян шаҳарларга айланган. Ўрта Осиёнинг кўчманчи чорвадор аҳолиси ҳам асрлар ўтган сайин ўтроқлашиб бориши натижасида минтақанинг Сирдарё, Талас ва Чу каби дарёлари ҳавзаларида дастлаб йирик қишлоқларнинг, кейинроқ эса улар замирида шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ўрта Осиёнинг тубжой халқлари – туркийлар ва шарқий эроний тилли аҳолиси тилида қишлоқ билан боғлиқ кўплаб атамаларнинг ёзма манбаларда учраши бежиз бўлмай, бу ҳолат минтақада кечган фаол урбанизация ва миграция жараёнлари билан боғлиқдир.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Истахрий. «Китаб ал-масалик вал-мамалик». Йўллар ва ўлкалар китоби. Тадқиқот, араб тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р. Т. Худайбергенов. – Тошкент: Фан, 2019. – Б. 33, 62, 101.
2. Gümüşçü O., Küçükaşçı M.S. Köy – şehir ve kasabadan küçük yerleşim birimifile:///C:/Users/user/Downloads/Telegram%20Desktop/CEK224296.pdf; Nematov, R. A., & Almanov's, Q. O. (2022). THE ROLE OF HISTORICAL SOURCES IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE TURKISH EMPIRE. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(10), 25-31.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Қ ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 315.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Қ ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 314-315.
5. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент, Фан, 1960–1963. Т. 1. – Б. 432.; НЕЪМАТОВ, Р. (2023). ХОРАЗМ АФРИҒИЙЛАР СУЛОЛАСИ–ТУРК ХОҚОНЛИГИ СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРИ. *Journal of Fundamental Studies*, 1(7), 16-23.
6. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк). Т. 1. – Б. 432.; угли Неъматов, Р. А. (2023). ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-1).
7. Мухаммаджонов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Т.: Университет. 2001. – С. 8, 160.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. О ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 81; Nazarov, O. R., & Nematov, R. A. O. (2020). FROM THE HISTORY OF UZBEKISTAN'S COOPERATION WITH UNESCO. *Bulletin of Gulistan State University*, 2020(4), 45-49.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. У ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 261.; Obid, N., Samandar, K., & Rustam, N. (2023). THE EMERGENCE OF A STATE SYSTEM IN THE LOWER SYRDARYA REGION. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 3(3), 68-75.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. О ҳарфи. – Б. 81; Нафасов Т. Қашқадарё халқ сўзлари луғати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 200.; Неъматов, Р. (2023). ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(6), 14-23.
11. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 58, 97, 124, 147; Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – Б. 59, 325.; Неъматов, Р. (2023). Илк ўрта асрлар Хоразм тарихшунослигининг бугунги ҳолати. *Марказий Осиё тарихи ва маданияти*, 1(1), 122-125.
12. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент, Фан, 1960–1963. Т. 1. – Б. 94.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. У ҳарфи. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 280.; Неъматов, Р. А. У. (2020). Интеллектуальное и культурное наследие узбекского народа. *Наука, образование и культура*, (4 (48)), 85-87.

14. Пардаев М.Ҳ., Гофуров Ж.И. Уструшонинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Тошкент, 2016; Пардаев М., Гаффоров Ж. Ўрта асрларда Жиззахнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни// “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 139.

15. Abduraimov D.S. Ustrushona vohasida joylashgan qishloqlar tarixida // Journal of Advanced Research and Stability Volume: 02 Issue: 02, 2022 / [www.sciencebox.uz/](http://www.sciencebox.uz/). – B. 155-158.

16. <https://xs.uz/uz/post/qalqonota-qarijb-ikki-yarim-ming-jillik-tarikhga-ega-qishloq>; OBID, N., ULUGBEK, M., SHAROF, M., & RUSTAM, N. (2022). SOME CONSIDERATIONS OF THE COUNTRY LIFESTYLE DURING THE PERIOD OF PUBLIC COLLECTIVIZATION. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(1), 86-94.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-8

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-8

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)